



# Халқ сўзи

Ўзбекистон -  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 26 декабрь, № 250 (4660)

Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БИР ЙЎЛА МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА


Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг ҳалол меҳнати моддий рағбатлантириш мақсадида ҳамда кириб келаётган Янги — 2009 йил байрами муносабати билан:

1. 2008 йилнинг декабрь ойида бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари ойлик лавозим машинанинг 10 фоизи миқдоридан пул билан бир йўла мукофотлансин.
2. Бюджет ташкилотлари ходимларига бир йўла пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мукофотни тўлаш тартиби ва манбаларини белгиласин.
3. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳўжалик ҳисобидига қорхона ва ташкилотларга ўз ходимларини шахсий маблағлари ҳисобидан бир йўла мукофотлаш тавсия этилсин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 25 декабрь



Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ўсма касалликларни профилактикаси: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Анжуманда кейинги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида онкологик касалликлар кўрсаткичи охири бораётганини, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам хавфли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичида барқарорлик кузатилишига қарама-қарсисини, касалликнинг бир қатор турлари ортаёшганлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда мазкур касалликларнинг олдини олиш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Мисол учун, бачадон бўйни саратонини барвақт аниқлаш мақсадида скрининг дастури ишлаб чиқилганлиги ва бу дастур 2009-2011 йилларда барча вилоятларда амалга оширилиши таъкидланди. Айтиш лозимки, мазкур дастур доирасида Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида иккинчи нафар фертил ёшдаги, яъни туғиш ёшидаги аёллар орасида текшириш ўтказилган бўлиб, аксарият ҳолларда касалликларнинг олдини олишга муваффақ бўлинган.

Анжуманда мамлакатимизда онкология касалликларига иктисослашган 17 та муассаса, 16 худудий онкологик диспансер, 271 та туман онкология хоналари мав-

жудлиги ва уларнинг аксарияти рентген аппаратлари, маммограф ва гастрофиброскоплар билан таъминланганлиги эътироф этилди. Айни вақтда вилоятлар онкодиспансерларини эндокопик, ультратовуш текшируви асбоб-анжомлари билан таъминлаш етарли даражада эмаслиги ҳам уқтириб ўтилди. Шу билан бирга, онкология муассасаларини асбоб-анжомлар, дори воситалари ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлаш долзарб масала эканлигига ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, йилнинг ишчи-рокчилари тарбия-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, профилактик чора-тадбирларни мамлакат бўйича кенг қўламда амалга ошириш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бу борада кенгайтирилган дастур ишлаб чиқиш ҳамда хотин-қизларнинг тиббий билимларини оширишга йўналтирилган оммабоп қўлланмалар чоп этиш масалалари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Илмий-амалий анжуманда зикр этилган тақлиф ва тавсиялар асосида қўмита қарори қабул қилинди.

3. ХУДОЙШУКУРОВ.



## ИСТИҚЛОЛНИНГ МУЗАФФАР ФАРЗАНДЛАРИ

Президентимиз раҳнамолиги ва бевосита гамхўрлиги туфайли юртимизда баркамол авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақиллик кашф этган иқтидорли ёшлар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Офарин

Шулардан бири самарқандлик Хумоюн Шукуроевдир. Эндигина ўн тўрт ёшга тулган Хумоюн спортнинг каратэ тури бўйича Италияда ўтказилган жаҳон биринчилигида кумуш медаль соҳиби бўлганлиги ҳақида аввал хабар бергандик. У қаратэдаги ilk сабоқларини Сурхондарё вилоятининг Ўзун туманидаги "Ўзун чемпион" клубида олди. Устози Илҳом Шойназаров қўли остида республика ва вилоят биринчиликларида бир неча бор зафар кучди. Халқаро турнирлар голиби бўлди.

Хумоюн биз билан мулоқотда ўзига яратиб берилаётган имкониятларга жавобан халқаро спорт майдонларида янада муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байрогини баланд кўтаришга ваъда берганди. У сўзининг устидан чиқди. Жорий йилнинг 19-21 декабрь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида каратэ бўйича ўтказилган Осиё очик чемпионатининг яққолик кумитэ баҳсларида барча рақибларини енгиб, олтин медаль ва махсус кубок билан тақдирланди. Куала-Лумпурдаги муҳташам спорт мажмуасида музаффар спортчимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Мазкур нуфузли мусобақда

Ўттизга яқин мамлакатдан келган тўрт юз нафардан ортиқ спортчилар қатнашганини ҳисобга олсак, медаллар учун кураш нақадар қийин кечганлиги ойдинлашади.

Албатта, Хумоюн эришган бу муваффақият замирида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор мумкин. Бундан олти йил муқаддам яхши ниятлар билан тузилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун ўз медалларини бера бошлади. Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикамизнинг турли бурчакларида, чекка-чекка қишлоқларида бир-бирдан қаролили замонвара иштироки қўлга киритиб, эл-юрт ишончини оқтайман.

— Мусобақда муваффақиятли иштирок этишимизда устозларим Аҳдам Юнусов ва Дилшод Каримовларнинг хизматлари катта, — дейди Х. Шукуроев. — Насиб этса, келажақда катталар ўртасидаги Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам совринли ўринларни қўлга киритиб, эл-юрт ишончини оқтайман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## Махбуб ШАРИФ:

# «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ДУНЁНИНГ ЭНГ БАХТЛИ БОЛАЛАРИ ҚАТОРИДАДИР»

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 1946 йил 11 декабрда ташкил этилган. Бугунги кунда ЮНИСЕФ дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. 1994 йил 1 мартдан бошлаб Тошкентда ЮНИСЕФнинг ваколатхонаси фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида ҳамкорликнинг иккига, биринчиси 1995-1999 йилларга, иккинчиси 2000-2004 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури амалга оширилди. 2004 йилда 2005-2009 йилларга мўлжалланган навбатдаги Мамлакат дастури имзоланган.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жамғарма Махбуб Шарифга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— **Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигидаги мамлакат дастурлари**

доирасида қандай натижаларга эришилди? — Аввало, БМТнинг Болалар жамғармаси Ўзбекистонда фаолият олиб бораётганидан ва мамлакат ҳукумати тининг бу ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётганидан мамнун эканлигини изҳор этмоқчиман.

Мамлакат миқёсидаги ilk дастур ҳар иккала томон имкониятларини аниқ мақсадга йўналтириш, уларнинг самарали усулларини оммавий сафарбар қилишни ўрганишга хизмат қилди. Шунингдек, у ҳамкорлигининг янада кенгайтилишига асоси яратди. Иккинчи дастур эса аниқ кенг-роқ соҳаларни қамраб олди ва ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга

оширилди. Хусусан, янги тузилган чақалокларнинг омон қолиши, болаларнинг Меҳрибонлик уйларига тушиши сонини камайтириш, уларни ОИВ/ОИТС хавфидан сақлашишлари учун билим ва кўникмаларини ошириш каби масалалар ана шу йўналишлар қаторига киради. Навбатдаги дастур ушбу тадбирларнинг

узвий давоми бўлиб, бунда йўналишларимиз янада кенгайди.

Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНИСЕФ ҳамкорлигида олиб бораётган тадбирлар мамлакат болаларининг барча ёшларини қамраб олган. Жумладан, чақалокларни қўрқак сuti билан озиқлантиришни рағбатлантириш борасида тегишли тадбирлар

амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2 ёшгача бўлган болаларни касалликларга қарши режа асосида эмлаш (96 фоиз) ва мактабга боргунча қадар қўрилмаган табиғарлиги учун яратилган шароитлар (97 фоиз) масалалари бўйича дунёнинг энг етачки давлатлари қаторида туради.

Мақтабда ўқийётган болаларнинг таълим даражасини яхшилаш борасида биз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда кўплаб тадбирларни амалга оширялмиз.

Ўзбекистон болалар меҳнатини чеклаш масаласига тарафдор мамлакат сифатида Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ишга қабул қилишни энг кичик ёши тўғрисида»ги ва «Болалар меҳнатининг энг оғир қўриқилари»га барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияларга аъзо бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## ДОЛЗАРБ МУАММОГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятлари худудий идораларо комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамjamiияти учун долзарб муаммолардан бирига айлангани таъкидланди. Чунки бу трансмилийл жиноятнинг қўлами ва қарови тобора кенгайиб бораётир. Шу боис унга

қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидандир. Йиғилишда асосий эътибор мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳамкорликда ташкил этиш Идораларо комиссиянинг муҳим вазифаси эканлигига қаратилди.

Номлари қайд этилган худудий идораларо комиссиялар раисларининг хисоб-ҳисоблари тингланди. Улар фа-

олиятига ҳолисона баҳо берилиб, жойларда одам савдосига оид жиноятларга қарши курашишда камчиликларга йўл қўйилмаётганлиги танқид қилинди.

Республика идораларо комиссияси, доимий фаолият қўрсатувчи тахлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идораларнинг маъсул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) қатор йиллардан бунён иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, таълим, қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт соҳасида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яқинда ОТБнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигига доир қисқа ва узоқ муддатли истиқбол режалари маълум қилинди.

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКISTONГА 450 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

Ушбу банк яқин уч йил давомида Ўзбекистонга тахминан 450 миллион АҚШ доллари ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва ОТБ темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш борасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлаги бўғинларидан бири бўлган асосий автомагистрални ривожлантириш учун ОТБ мамлакатимизга 75 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратди. Бу маблағ Ўзбекистонни Қозғистон, Афғонистон ва Туркменистон билан боғлайдиган узунлиги 1204 километрлик Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнон автотрассасини ривожлантиришга йўналтирилди.

ОТБ мамлакатимизда ташкилланган йўлларнинг асосий

қисми темир йўл транспорти улushiга тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуватимиз савий-харажатларини қўллаб-қувватлади ва темир йўл тармоғини ривожлантириш учун икки 140 миллион долларга тенг маблағ ажратди.

ОТБ 2008 йилнинг декабрида Ўзбекистон ҳукуватига сув ресурсларини бошқаруш ва Андихон, Навоий, Наманган, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларидаги ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун 100 миллион доллар миқдорда кредит ажратишга қарор қилди. Лойиҳада узунлиги 150 километр ҳўжаликларро каналларни, ҳўжаликларро ва ҳўжаликлар ичидаги 500 километр

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳўзаридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Унда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида вояга етмаганларни қаровисиз ва назоратсиз қолдирилган олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонвий касб-хўнарга ўргатиш ва бит-тувчиларни ишга жойлаштиришнинг аҳволига доир масалалар муҳокама қилинди.

Вояга етмаганлар орасида ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини маъмулий ўқта-зиш мақсадида милиция таъ-ян пунктлари қошида 2,5 ми-н-дан зиёд факультатив тўғарақ, 2,3 ми-н-дан ортиқ кичик биз-нес шаҳобчаси ҳамда 2,8 ми-н-дан ортиқ йиғит-қизга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Тошкент ва Сирдарё вилоятларида вояга етмаганлар орасида ҳўқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бўш вақтини маъмулий ўқтазиш, уларга замон талаблари асосида билим бериш, коллеж бит-тувчиларини ишга жойлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизматида маълум қилина-рича, йиғилишда вояга етма-ганларнинг ҳўқуқларини муҳо-кама қилиш, фарзанди тар-бияси билан шуғулланима-ган ота-оналарга чора қўлаш, қаровисиз ва назоратсиз юр-ган болаларни вақтида аниқ-лаш, улар билан олиб бори-лаётган тарбиявий ишлар са-марадорлигини ошириш, ўқу-чиларнинг бўш вақтини ма-мулий ташкил этиш учун мак-табдан ташқари тўғарақ ва спорт мактаблари, ёшлар ижо-дийети марказлари фаолияти-ни жонлантириш лозимлиги

(Давоми 2-бетда).

## БИРЖАНИНГ ТОВАР АЙЛАНМАСИ ОРТМОҚДА

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси Товар-хотм ашё биржасининг умумий товар айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

1,3

баравар ошди.



Жойларда моддий ресурсларни сотиш бўйича бозор механизмининг жорий этилиши туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ  
ШАРХИ



2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# ЕРНИ БОҚСАНГ...

**Бухоро вилоятидаги Когон, Бухоро, Жондор туманлари ҳудудидан ўтадиган "Денгизқул" коллекторининг сув сигими кенгайтирилиши натижасида саккиз минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланадиган бўлди.**

— Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги "2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида, — дейди "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Олим Қодиров, — ушбу дастурга вилоятимиздаги ўттиз олтига яқин ишоот киритилган эди. Жорий йилда уларнинг етти тасида таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Бунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ажратилган тўққиз миллиард сўм миқдоридagi маблағнинг қўл келатганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир бир гектар суғориладиган майдонга 26-27 погон метр коллектор тўғри келмоқда. Аслида бу кўрсаткич 40 погон метрни ташкил этиши керак. Демак, вилоятда яна 5-6 минг погон метр узунликдаги коллекторларни қуриш талаб этилади. Ана шу масалани ҳал этишда янги қарор ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, Давлат дастури доирасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида бир минг уч юз километр узунликдаги зовурлар тозаланди. Бу юмушлар сув ҳўжалиги ишларини бажаришга иктисослашган тўртта давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилди. Мазкур корхоналар замонавий русумдаги экскаватор ва бошқа техника воситалари билан тўла таъминланган. Айни пайтда лизинг асосида яна шундай 15 та техникани келтириш кўзда тутилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг гамхўрликлари билан деҳқон меҳнати қадрланди, манфаатдорлиги ошди. Ишлайман деган киши борки, барака топди. Одамларнинг ерга, муллка бўлган муносабати ижобий томонга ўзгаршининг асосий сабаби ҳам шунда.**

## МЕҲНАТ ҚАДРЛАНДИ, МАНФААТДОРЛИК ОШДИ

Биз ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, чорвачиликка иктисослашган фермер хўжалиги ташкил этгандик. Яширайман, ўша йиллар бир оз икчиланиб, "Қийналиб қолмасмиканми?" деган фикр ҳам хаёлимиздан ўтгани рост. Чунки кишлоқ хўжалигининг бу тизими кўпчилигимиз учун ҳали янгилик эди. Бироқ мамлакат раҳбарининг ўзи ер эгаларини қўллаб-қувватлаб турганидан кейин бундай йўларга берилиш тўғри бўларми? Йўқ, албатта. Шу боис белни маҳкам боғлаб, фақат ишлаш кераклигини тушундик. Қўнгимиз таскин топди.

Биз ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, чорвачиликка иктисослашган фермер хўжалиги ташкил этгандик. Чунки фермерлик, бу — деҳқон меҳнати чинакамага қадрлайдиган тизим экан. Унинг аввалги колхозу ширкат хўжаликларидан афзаллигини бугун шу соҳанинг ҳар бир вакили дилдан ҳис қилиб турибди.

Юртбошимизнинг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари биз учун айни муддао бўлди. 20 йаш зотли сигир сотиб олди. 50 миллион сўм маблағ эвазига янги молхона қурдик. Кишлоқимиз ветеринария доирасида очдик. Мана шу имкониятлардан фойдаланиб, чорвачилик ривожига ҳисса қўшиш ниятидамыз.

Фермерларга шундай имтиёзу рағбат кўрсатилиб, имкониятлар яратиб берилгандан кейин бунга амалий иш билан жавоб қайтариш ҳам керак. Шу боис эндиликда хайрли ишларга ҳам эътибор қаратаёلمиз. Отам узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. У киши мактабни, касбларини жуда яхши кўрадилар... Фермер хўжалигимиз ҳисобидан кишлоққа янги мактаб қуриб бердик. Иқтидорли ўқувчиларга стипендия ҳам ташкил қилдик. Бундай тadbирларни яна давом эттириш ниятидамыз. Қарангки, Президентимизнинг келгуси йилни "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилганлари айни дилимиздаги иш бўлди. Бунинг биз кишлоқ аҳлига катта эътибор, гамхўрлик, деб биламыз.

Сувон ОМОНОВ,  
фермер хўжалиги раҳбари.  
Касби тумани

Баъзан шулар ҳақида

ўйлаб қоламан. Ўтган йиллар давомида фикрларим ҳам тамоман ўзгарди.

Ҳозирча мазкур табиий

### Қисқа сатрларда

Анджондаги вилоят ўлкашунослик музейида бадиий безак устаси Любовь Сагараданинг шахсий кўргазмаси очилди.

### Безакларда қўёш тафти бор

Умуммиллий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи тумор, зирак, тиллақош, зеби-гардон каби 70 турдан ортиқ тақинчоқлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тақинчоқлар намойиши икки ой давом этади.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Ёғду»нинг ёғдуси

Бундан икки йил аввал "Пахтабанк"нинг туман бўлимида 25 миллион сўм кредит олиб, тadbиркорликка қўл урган янгибозорлик Жабборберган Отажоновнинг "Ёғду" хусусий корхонасида жорий йилнинг ўтган даврида 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу билан банкдан олинган қарз ҳам қопланди. Мўймайгина даромад ҳам қилинди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Жайратепанинг янги мактаби

Уرғутнинг Жайратепа маҳалласидаги 70-мактаб ўқувчилари янги бинога кўчиб ўтди.

Мактабнинг қурилиш ва пардозлаш ишларини "Урғут" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширдилар.

730 нафар ўқувчи таълим олаётган бу ўқув даргоҳида 10 та синфхона, компьютер, маънавият ва маърифат хоналари, шунингдек, физика ва химия лабораториялари мавжуд.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Таъминотда узилиш бўлмайд


Қува туманида аҳолини табиий газ билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Жорий йилда туманга марказий тизимдан газ етказиб беришни 7,4 километр қувурнинг 3,5 километри тўлиқ янгиланди. Бу ишлар учун 380 миллион сўм маблағ сарфланди.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Кечаги аскар — бугунги талаба

Бу йил ҳарбий хизматни ўтаб қайтган қашқадарлик ёшлардан 337 нафари олий ўқув юртиларига ўқишга кирди. Уларнинг аксарияти Қарши давлат университети ва муҳандислик-иктисодий институтида таълим олмақда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



**Бугун бебаҳо миллий қадриятларимиз, ўтмишимиздан мерос бетақор аъналаримизни асраб-авайлаш юртдошларимиз кўнглидаги эзгу ниятлардан биридир. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишчилик ислохотлар, айниқаса, пойтахти азимда рўй бераётган янгиланишлар ана шундай пок орзу-истакларимизнинг амалий тасдиғи эканлиги барчага маълум. Муаззам Тошкентимизда гўзал меъморий мажмуалар, баҳаво боғу хиёбонлар барпо этилаётганлиги ва бош кентимиз бугун жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан қилишмайдиган ҳусну тароват касб этаётгани фахру ифтихоримиз тимсоли сифатида намоеён бўлмоқда.**

Бугун бебаҳо миллий қадриятларимиз, ўтмишимиздан мерос бетақор аъналаримизни асраб-авайлаш юртдошларимиз кўнглидаги эзгу ниятлардан биридир. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишчилик ислохотлар, айниқаса, пойтахти азимда рўй бераётган янгиланишлар ана шундай пок орзу-истакларимизнинг амалий тасдиғи эканлиги барчага маълум. Муаззам Тошкентимизда гўзал меъморий мажмуалар, баҳаво боғу хиёбонлар барпо этилаётганлиги ва бош кентимиз бугун жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан қилишмайдиган ҳусну тароват касб этаётгани фахру ифтихоримиз тимсоли сифатида намоеён бўлмоқда.



Фонтаннинг таъмир ишлари қўйиб берилди.

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бунёдкор эллимиз шижоатининг, эзгу сазий-ҳаракатларимизнинг ёрқин ифодаси бўлди. Бинобарин, пойтахтимизнинг мустақиллик майдони, Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилган муҳташам обидалар, бетақор миллий меъморий услуб аъналарини асосида қайтадан чирой очган Ҳазрати имом мажмуаси, шаҳар бағрида барпо этилган сўлим хиёбонларнинг кўрку таровати бугун қалбларимизга ифтихор ҳиссини солмақда. Ушбу янгиланишлар пок ниятли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан, эртани кунга бўлган умиди ва ишончидан далолатдир.

Айни дамда юртимиз меҳмонларини муаззам пойтахтимиз бағрида қад ростилаган қўрқам иншооту мажмуаларини ҳайрат ва ҳавас билан зиёрат қилаётганлиги гўвоҳ бўлганимиз сайин янада гурунланамиз. Қўча-қўйда юрсак, гуруҳ-гуруҳ сайёҳлар, она шарҳимиз жамолидан баҳра олиб, ундан асдалик бўлсин учун суратга тушаётган хорижлик меҳмонлар эътиборимизни тортади. Шундай ҳаълларда қалбдан ифтихор ҳиссини туюмиз, тинч ва фаровон кунларга, ўз мақ-

садлари йўлида собитқадам эл бўлиб яшашдек бахта насибамиз қўшилгани учун шукроналар айтмамиз. Ўзим ўқувчи эмасманми, юртимизда рўй бераётган ана шундай бекуёс янгиланиш ва ислохотлардан фойдаланиш баробарида бундай эзгуликларнинг туб моҳиятини шогирдларим онгу шуғрига сингдиришни бурч деб биламан. Шу маънода таълим масканимиз-

қилдик. Шунингдек, Вестминстер университети, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали, Ўзбекистон давлат консерваторияси сингари ўқув биноларига саёхат уюштирдик. Шу онларда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳеч ҳам қилишмайдиган таълим қошоналарида яратилган шарт-шароит билан қуйиндан танишган шогирд-

### Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиғига

да ўзига хос бир аънани йўлга қўйганамиз. У ҳам бўлса, ўқувчиларни дарсдан буш пайтларида пойтахтимиз бўйлаб саёхатга олиб чиқиш, гўзал Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, бунёд этилган иншоотлар, рўй берган ўзгаришлар, қад ростилаган қошоналар хусусида мушоҳада юритиш ва бу билан ёшлар онига бунёдкорлик, яратувчанликдек эзгу гоғларни сингдиришдир.

Ҳозирча мазкур табиий

зуси балқиб турарди. Ёшлар чекрасидада бу ифода Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кўли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзларини бот-бот ёдимга солиб турдим...

Назокат ҲУСАНОВА.

## ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техник ва маркетинг тadbиротлари марказида электрон рақамли имзодан фойдаланишни ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тadbирда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2003-2004 йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги таъкидланди. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу қонунга мувофиқ, электрон рақамли имзо қўлда қўйилган имзога тенглаштирилган ва у билан бир хил ҳуқуқий қучга эга. Шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонун электрон рақамли имзонинг мажбурий рекевизитларидан бири бўлган электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий кучини белгилайди. "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун эса элект-

рон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиди.

ҳида дастурий таъминот тайёрланди. Миллий криптопровайдер ҳар қандай ахборот тизимида электрон рақамли имзони қўллаш учун жорий қилиниши мумкин. Тadbирда Электрон рақамли имзони рўйхатга олиш марказларининг мақоми ва ваколатлари, уларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатлари ҳақида баътафсил маълумот берилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда электрон рақамли имзодан фақат банк соҳасида электрон тўловларни амалга оширишда фойдаланилаётган эди. Ҳозирги кунда у е-хат, е-ҳужjat, Himfall биржалараро савдо тизимига ҳам жорий этилди.

Илмий-техник ва маркетинг тadbиротлари маркази директори М. Махмудовнинг айтишича, республикамизда электрон рақамли имзони самарали қўллаш бўйича ҳуқуқий асос яратилган, миллий инфратузилма шакллантирилиб, барча зарур воситалар ишлаб чиқилган. Электрон рақамли имзони келгусида барча жойларда қўллаш учун ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, Электрон рақамли имзони рўйхатга олиш миллий марказлари фаолиятини кенгайтириш, уларни халқаро талабларга мувофиқ тарзда техник жиҳозлаш, республикамизда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмасини ривожлантириш, электрон рақамли имзони трансчегаравий қўллаш учун шароит яратиш зарур.

Тadbирда барча жойларда электрон ҳужжат айланиши хизматидан фойдаланувчиларни ўқитиш, аҳолининг электрон рақамли имзога бўлган ишончини ошириш, электрон ҳужжат айланиши тизимида ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

В. НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Тежамкор самолётлар



Буюк Британиянинг «British Airways» компанияси «Embraer» (Бразилия) компаниясидан 11 та самолёт сотиб олишга қарор қилди.

Ушбу хариднинг умумий қиймати 376 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиши кутилмоқда. «British Airways» режасига кўра, мазкур буюк лайнерлари Ирландия, Шотландия ва Европанинг бошқа давлатларида парвозларни амалга оширади.

### Филиппинда zilzila

Филиппин жанубида кучли ер силкинishi содир бўлди.



Бахтсиз ҳодиса туфайли мазкур ҳудуддаги 18 минг хонадон табиий газ таъминотисиз қолган. Бундан ташқари, портлаш электр тизимига ҳам таъсир кўрсатган ва 30 минг хонадон электр энергияси билан таъминланмапти. Шонлининг қўрилган чора-тадбирлар натижасида талафотлар қисман бартараф этилган.

### Газ қувуридаги портлаш



Буюк Британиянинг Ланкашир графлигида газ қувурида портлаш юз берди, дейилади «Sky News» ахборотида.

Бахтсиз ҳодиса туфайли мазкур ҳудуддаги 18 минг хонадон табиий газ таъминотисиз қолган. Бундан ташқари, портлаш электр тизимига ҳам таъсир кўрсатган ва 30 минг хонадон электр энергияси билан таъминланмапти. Шонлининг қўрилган чора-тадбирлар натижасида талафотлар қисман бартараф этилган.

Халокатдан қўрилган иктисодий зарар ва ундан жабрланганлар ҳақида аниқ маълумотлар айтилмапти.

### Автомобиль ўғриларига қарши

Бразилияда кейинги йилнинг август ойидан бошлаб мамлакатта четдан олиб келинадиган автомобиллар учун янги талаб қўйилади.




Унга кўра, хорижий автоуловларда сигналзация ва кузатиш тизими ўрнатилган бўлсагина, уларни сотишга рухсат берилади.

Кейинги вақтда мамлакатда машиналарни олиб қочиш ҳолатлари хаддан зиёд қўлгагани боис шундай қарорга келинмоқда. Маълумотларга қараганда, жорий йилда Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейрода ўрта ҳисобда ҳар ўн икки дақиқада битта машина ўғирлаб кетилган. Сан-Паулу шаҳрида эса бу ҳолат ҳар уч дақиқада ташкил этади.

Бразилия ҳукумати «Car System» компаниясининг сигналзация тизими маъқул келган. Чунки мазкур компания ускунаси ўғирланган машиналарни топшида полициянинг ишини анча енгилаштиради. Масалан, агар автомобиль олиб қочилса, узоқдан туриб унинг двигателини кодлар ёрдамида ўчириб қўйиш мумкин. Бундан ташқари, двигателга ўрнатилган қурилма орқали машина турган жойни аниқлаш ҳам мумкин.

### Хатолик оқибати



Покистоннинг Суккур шаҳрида олти қаватли тураржой биноси қулаб тушди. Қоғина оқибатида 12 киши ҳалок бўлган, яна йигирмага яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.

Мамлакатнинг «Dawn» наشري хабарига қараганда, қурбонлар сони бундан ҳам ошиши мумкин. Чунки фалокат юз берган вақтда бинода қанча одам бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Тахминларга кўра, бинонинг қулаб тушишига унинг қурилишида сифатсиз хом ашёдан фойдаланилгани сабаб бўлган.

### Фавқулодда ҳолат эълон қилинди

«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Вашингтон штати губернатори Крис Грегур ноқулай об-ҳаво шароити туфайли штатда фавқулодда ҳолат эълон қилган.

Соҳа мутахассислари мамлакатнинг шарқий ҳудудларида яна қор бўрони содир бўлиш хавфи юзага келганини маълум қилишмоқда. Қўчаларда тўпланиб қолган қор уюмларини тозалашга катта куч жалб этилган. Жумладан, Кэмп-Мюррейдаги фавқулодда ҳолатлар бўйича марказ ва миллий гвардия кучлари ҳаракати учун штат бюджетидан қўшимча маблағ ажратишга қарор қилинган.


### Харидоргир ноутбуклар

Жорий йил учинчи чораги якунларига кўра, дунё бўйича одатий компьютерларга нисбатан ноутбуклар кўпроқ сотилган.



Ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу мuddат мобайнида харидорлар 38,6 миллион донга ноутбук сотиб олишган бўлса, бошқа турдаги компьютерлардан 38,5 миллион донга сотилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



«Дўстлик» ОРДЕНЛИ  
**НАВОИЙ  
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ  
КОМБИНАТИ**

ДАВЛАТ ҚОРХОНАСИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикасининг  
барча аҳолиси ва меҳмонларини  
кириб келаётган

**2009**

йил билан табриклайди!


Янги йил халқимиз орзиқиб кутадиغان  
байрамлардан биридир.

У қалбларга қувонч ва шодлик,  
эртанги порлоқ кунга умидворлик  
туйғуларини бахш этади.

Барчага мустаҳкам соғлиқ,  
оилавий тотувлик, бахт-саодат  
ва фаровонлик тилаймиз!



FIAT  
GROUP



«СНН» корпорацияси  
«ЎзКейсСервис» ҚҚ  
«ЎзКейсМаш» ҚҚ  
«ЎзКейсТрактор» ҚҚ  
«ЎзКейсАгролизинг» ҚҚ  
жамоалари

Ўзбекистон халқини, ўз ҳамкорлари  
ва мижозларини кириб келаётган

**Янги — 2009 йил**

билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат,  
хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



**New Holland TL 5060**

TEL.: 120-60-97, 120-89-58.

**ЛУКОЙЛ**

**Поздравляем  
народ Узбекистана  
с НОВЫМ ГОДОМ!**

**Желаем всем мира, счастья,  
здоровья, благополучия  
и процветания!**




**«ЎЗ-ТЕКСАКО» ҚҚ**



*Ўзбекистон халқини  
Янги - 2009 йил билан  
чин дилдан табриклайди!*

*Барчага тинчлик-хотиржамлик,  
фаровонлик, улуг мақсадларга  
эришишингизда, эзгу  
ишларингизда улкан  
муваффақиятлар  
тилайди!*




Тел.: 8 (371) 120-67-76, 244-01-23. [www.uztexaco.uz](http://www.uztexaco.uz)



«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси  
Ватанимиз аҳлини кириб келаётган

*Янги -  
2009 йил билан  
табриклайди!*



Янги йилингиз қувонч ва муваффақиятлар йили бўлсин!  
Сизга чин дилдан соғлиқ ва тинчлик-омонлик,  
хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

**«Тахиатошдонмаҳсулотлари»**

**қиссадорлик жамияти жамоаси**

*Барча  
юртдошларимизни  
кириб келаётган*

*Янги -  
2009 йил*

*билан самимий қутлайди!*

*Янги йил барчага  
сihat-саломатлик, тинчлик-омонлик,  
хонадонларга файзу барака олиб келсин.*



HAMKORBANK

**«ХАМКОРБАНК» ОАТБ**

*Сиз, азиз юртдошларимизни  
Янги - 2009 йил  
билан қизин мувоабқод этади!*

*Янги йилда ҳар бир хонадонга  
бахту саодат, файзу барака, кўнгли  
хотиржамлигини тилаб, пулинингизни сақлаш  
учун қўлай илконият таклиф этади.*

Янги йил байрами тухфаси сифатида  
таклиф этилаётган қўлай, манфаатли

**«СОВРИН» ҳамда «ХАДЯ»  
омонатлари**

сизга мўмай даромад келтиради.

*Кириб келаётган Янги йил ҳар  
бирингиз учун улуг режалар, янги орзу-  
умидлар йили бўлиб қолсин!*

**«ХАМКОРБАНК» БИЛАН ЯНГИ ОРЗУЛАР САРИ!**



# UzKDB Bank

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини,  
ўз ҳамкорлари ва мижозларини

## Янги — 2009 йил

билан самимий муборакбод этади!

Барчага сўхат-саломатлик, бахт-саодат,  
фаровонлик, тинчлик ва хотиржамлик тилайди.

Тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Мэлс Қобуловнинг қабулидан одам аримайди. Бунга сабаб, унинг халқ табиобатидан бохабар ҳамда малакали шифокор эканлигидир. М. Қобулов қайси касалликка қанақа гивъ эм бўлишдан тортиб, инсонни даволашда ширин сўзининг ҳам таъсири катта эканлигини таъкидлашдан чарчамайдиган шифокор. Айтганига амал қиладиган, асабини жилолаш, худа-беҳуда бировдан ранжирмаслик ва бировни ранжитмасликни саломатликнинг бош мезони, деб биладиган шифокор. У мана, қарийб 35 йилдирки, эл-юрт хизматида.

## ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЛИККА УНДАЙДИ



Айни пайтда академик В. Вохидов номидagi Республика иختисослаштирилган жаррохлик марказининг Қорақалпоғистон филиалига раҳбарлик қилаётган Мэлс Қобуловни ҳамisha иш жараёнида ёки бирор кишига маслаҳат бераётган чоғида кўриш одатий ҳолга айланган. Дарвоқе, у киши тиббиётда янгилик яратган шифокордир.

— Улуғ шифокор Восит Вохидов каби инсонлар мана шундай кунларга етиб келолмадилар. Юртимизда жаррохлик мактабини яратган, юрак, ўпка, ошқозон, жигар каби инсон танасидаги кўплаб аъзолар бўйича операцияларни муваффақиятли амалга оширган устозимиз бугунгидек дориламон замонни, яратилган шарт-шароитларни кўрганларидан, қувончдан бошлари осмонга етарди. Истиқлол йилларида нафақат соғлиқни сақлаш борасида янгиликлар юз бермоқда, шу билан бирга, ана шундай фидойи инсонлар шаъни ва хотираси қадрланмоқда.

Мисол учун, домланинг ўзи ташкил этган марказ ҳозир унинг номи билан аталмоқда. Айни пайтда домладан билим олган ва дунёнинг турли минтақаларида хизмат қилаётган шоғирдла-

ри қаторида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман.

М. Қобуловнинг хизмат хонасидаги китоб жавонида турган ҳужжатлардан бири эътиборимизни тортди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан "Қизилўғачнинг кўкрак қисмидаги касалликларни даволаш усули" номи иштиро учун Мэлс Қобуловга берилган патент.

Мэлс ака сўхбат жараёнида бизга мазкур иштиронинг узига хос жиҳатлари ва филиалда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўққинлаб гапириб берди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу мақсад йўлида изланиб, янгилик яратишга интилиб фаолият юритаётган ушбу даргоҳ ходимлари олдида истиқболли лойиҳалар турибди. Шулардан бири профессор Ф. Назиров раҳбарлигидаги "Жигар циррози партал гипертензияси" билан касалланган беморларни ажратуви операция қилишни ишлаб чиқиш ва уни Жанубий Оролбўйи ҳудудида татбиқ қилиш" деб номланган лойиҳадир. Мазкур янгилик қўлаб-қуватланиб, амалиётга жорий этилса, замонавий тиббиёт уфқлари сари яна бир дадил одам ташланиши аниқ. Зеро, тиббиётдаги ислохотлардан кўзда тутилган мақсад ҳар доим янгилик сари интилиш билан аҳаиятландир.

Хидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШЧИТ»**

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган  
Янги — 2009 йил билан қутлайди!

Янги йил ҳар бир хонадонга тинчлик,  
хотиржамлик, бахт-саодат ва  
тўқинлик олиб келсин.

**Янги йилингиз муборак бўлсин!**

Азиз юртдошлар!

**Чимбой педагогика коллежи жамоаси**

барчангизни Янги — 2009 йил билан қутлайди!

Истардикки, Янги йил бахтли, омадли, энг сермазмун йил сифатида ҳаётингизда ўчмас из қолдирсин.

Эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад ёр бўлсин.

## ҲОВЛИДАГИ ХАЗИНА

Деҳқон хўжалиги — рўзғорга барака. Томорқанинг қафтдеккина еридан олинган миллионлар хонадонга ободлик, турмушга файз киритади. Уйчи туманидаги 851 хонадон ўз томорқаси негизда деҳқон хўжалигини йўлга қўйиб, уни оилавий бизнесга айлантирган.

Ёркатайлик Худойберди Расулов ҳовлисининг бир четида иссиқхона қуриб, уни оиланинг асосий даромад манбаига айлантирганга ўн йилдан ошди. Ишни ярим сотих ердаги "парниги"да ошқўк, эртанги помидор ва бодринг етиштиришдан бошлаган уста деҳқон кейинчалик уни икки сотихга кенгайтирди ва ўттиз туп лимон

гандим. Эрта-индин бу анорлар ҳосилидан ўтган-кетган ҳам баҳраманд бўлади. Еримизга дастлабки йиллик 30 туп гилос, шунча хурмо, бодом, терак ўтказиб, кўкартирдик. Қатор орасига кузги бугдой селгандик, йиллик галламининг кўтарди. Шу тариқа даладаги томорқамиз ҳам дауни икки сотихга кенгайтирди ва ўттиз туп лимон

Утқазди. Кўчатлар тез ривож топди. Ҳозир мўъжазгина цитрус боққа айланган бу жойга оиладаги каттаю кичикнинг меҳри баланд. Эрталаб туришади-ю, лимонзорни бир айланиб чиқишади. Томорқанинг саховати ҳам қилинган меҳнат ва гамхўрликка яраша бўляпти. Даромад кундалик харажатлардан ортиб, тўттизчиқлар ўтказишга ҳам етляпти. Бултур лимоннинг ўзидан бир миллион сўмдан сўмдан ортиқ даромад кўришди, бунга бозорга чиқарилган бодринг, помидор, ошқўки ҳам қўшилса, рақамлар салмоғи янада ортади.

Интилиш

Худойберди ака "Энди болалар ҳам катта бўлиб қолди, еримизни кенгайтирсак", дея туман ҳокимлигига ўзларининг деҳқон хўжалиги учун ер сўраб ариза берганди. Талабини қондириб, 20 сотих томорқа беришди. — Янги олган жойга 200 туп анор экдик, — дейди Х. Расулов. — Буни Фарғона томонларда кўриб, ҳавас қил-

лион сўмдан ортиқ фойда олди. Олтмиш ёшли Худойберди аканинг ғайратига ҳавас қиласиз. Фарзандларини ёнига олиб, кетмон чопайди, уларнинг ҳар бирига меҳнат тарбиясини сингдиради, табиатга

меҳр-муҳаббатини оширади. Деҳқон хўжалигида ўғил, келинлардан беш нафари банд, ҳар бирига меҳнат дафтарчаси очилган. Шуниси эътиборлики, Уйчида ўз ризқини яратиш баробарида бозор маъмуричилигини таъминлаётган бундай томорқа эгалари жуда кўп. Улар фаолиятининг изчил йўлга қўйилгани қўшимча минглаб иш ўринлари яратилганидан далолат беради.

Йўлдошлари САМИЕВ.

## ПАЙҲОНГА ҚАРШИ КУРАШИШ — БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тушунтириш ишлари олиб борилаётгани, текширишлар ўтказилаётганига қарамай, айрим жойларда чорва молларини қаровсиз қолдириш оқибатида деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилаётган ҳар хил пайҳон қилинишига йўл қўйилмоқда. Бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш, қондабузарликларга қарши курашиш мақсадида вилоят ички ишлар божқармаси, маҳаллий ҳокимликлар ва фермер хўжалиқлари ҳамкорлигида муайян ишлар амалга ошириляптир.

Пайҳоннинг олдини олиш мақсадида галла экилган майдонларни қўриқлаш кўчатирилди. Жойларда дала қоровуллари, маҳалла посбонлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат ҳаракатдаги гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. — Қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига йўл қўйган шахс-

ларга нисбатан тегишли жавобгарлик белгиланган, — дейди Тошкент вилояти ички ишлар божқармаси катта инспектори Ш. Анваров. — Айни пайтда жойларда аҳоли, фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда. Тadbирларда ҳосилнинг нобуд бўлишига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг вазифаси экани яна бир қарра уқтирилиб, тегишли тавсиялар берилмоқда. Шунингдек, галла майдонларини тўсиқлар билан ўраш ишлари давом этмоқда.

Бу каби тадбирлар экинзорларни пайҳон қилиш билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш ишларининг самардорлигини оширишда муҳим омил бўляпти.

Л. СУВОНОВ  
ҲА мухбири.

**INTEGRAL ASIA**

17" мониторли  
**P4 компьютерлари**

Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.  
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12,  
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,  
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.  
e-mail: sale@onlineuz.net  
www.integral-asia.com

Мухтарам газетхон!  
Газетамизнинг ушбу сонидеги қўшаҳфа беғул илова қилинмоқда.

# БЎЛАЖАК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ

колледжда мустақкам билим ва малакага эга бўлмоқдалар

Бугун таълим муассасаларида яратилган шарт-шароит ёш авлоднинг пухта билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишишга таъминлашга хизмат қилмоқда. Бир-биридан кўркам ўқув масканларида ёшлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича илму ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Зеро, янгича педагогик услублар асосида замонавий билим бериладиган мазкур таълим даргоҳлари ёшларнинг келажак сари дадил интилишида беҳисс аҳамият касб этаётди.

Наманган шаҳридаги Э. Отаҳон номидаги тиббиёт коллежиди ҳам ана шундай илмга чанқоқ ёшлар таълим олади. Бу ерда уларнинг пухта билим эгаллашлари, тиббиёт янгилеклари чукур ўзлаштиришлари учун барча зарур имконият яратилган. Таълим муассасаси энг сўнгги ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Хусусан, 2001 йили Жанубий Кореянинг 29319,3 минг сўмлик кредит инвестицияси йўли билан мазкур даргоҳнинг физика, кимё, биология, анатомия, информатика, лингвон, чақирқачча ёшларни тайёрлаш хоналари янгидан жиҳозланди. Эндилкида ўқувчилар замонавий воситалар ёрдамида дарсларини пухта ўзлаштиришга қодир. Қолаверса, назарий машғулотлар ва амалиёт учун мўлжалланган хоналар ҳамда лаборатория синфлари, ахборот-ресурс маркази, ўқувчилар тураржойи, спорт мажмуаси, компьютер хонаси ҳам ёшлар ихтиёрида.

агентлиги тақдим этган грант эвазига "Акушерлик иши" ва "Хамширалик иши" бўлимидаги 63 турдаги ўқув ускунаси билан таъминланди. Ушбу йилда таълим муассасасида 36 та компьютер ўрнақлари қўйилди. Шу тариқа ўқув масканида ушбу замонавий техника сони 70 тага етди. Коллеждаги ўқувчи ва мураббийлар келгусида бизнинг малакали мутахассис бўлиб етишишимиз йўлида меҳр ва ғамхўрликларини аямайдилар, — дейди "Хамшира — 2006" республика танлови совриндори М. Низомова. — Устозларимизнинг сидқидилдан билим бераётганликлари тўғрисида талланган касбимга қизиқишим ортиб бораётти. Коллежда илм олиш билан бирга ширинсуханлик, беморга руҳий мадад бўлиш, иш жараёнида тезкорлик ва ҳушёрликка эътибор қаратиш сингари фазилатларни ҳам ўрганмоқдамиз.


## Таълим

Абдунаби ҚОРАБОВ, журналист.

Лондонда чоп этиладиган «Discovery Central Asia» безакли журналининг Марказий Осиё музейларига бағишланган сони босмадан чиқди.

# «DISCOVERY CENTRAL ASIA» ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ ҲАҚИДА

Мазкур нашр сайёҳлик хусусиятига эга бўлиб, ўз олдига британияликлар ва дунё жамоатчилигини Марказий Осиё маданияти ҳамда у ердаги диққатга сазовор жойлар билан таништиришни мақсад қилиб қўйган. Ўзининг йўналишига кўра у Британияда чоп қилинадиган ягона журнал ҳисобланади ва Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг ҳамкори сифатида нашр этилади. «Discovery Central Asia»нинг навбатдаги сониди Ўзбекистонга алоҳида бўлим бағишланган ва бу бежиз эмас. Ушбу сонда эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган маданият маркази эканлиги ҳамда Марказий Осиёдаги энг нодир ва бебаҳо экспонатлар сақланаётган машҳур музейларнинг аксарияти ушбу мамлакатда жойлашгани қайд этилади. «Ўзбекистоннинг ҳар бир музейи ўзининг хайратланарли нақшкор кўриниши, экспонатларга бойлиги ва ўзига хос архитектураси билан алоҳида бир олам», деб ёзади нашр.



Дунё нигоҳи

Халқ амалий санъати миллий музейи каби мамлакатимиздаги етакчи музейлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Мақолада таъкидланишича, Теурийлар давлатининг бешиги бўлган бугунги Ўзбекистон замини Бактрия, Мовароуннаҳр, Кушон империяси, Салжукийлар подшоҳлиги, Хоразм ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амрилиги каби турли тамаддулар чорраҳаси бўлган.

«Бухоро, Самарқанд, Хива ва мамлакатнинг Ипак йўлидаги шарқ ва ғарб маданиятлари уйғун савдо ва маърифат марказлари ҳисобланган. Ушбу заминда зардуштилик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари бир вақтнинг ўзидида мавжуд бўлган ва

Теурийларнинг фавқуллодда етакчилик қобилиятига, таҳлилга мойил идрок, туганмас ички қувват ва юксак маънавиятга эга шахс бўлганлигини таъкидлайди. «Амир Теуур давлатни бошқаришда адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳамда ҳаммаша фан, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор қаратган. У ҳар доим дунё тарихида ёрқин из қолдирган ўзининг авлодларини адолатли бўлишга ундаган», дея қайд этилади нашрда.

Британиянинг ушбу журналида ёзилишича, Европанинг босиб олиниши ҳавф солиб турган мураккаб вазиятда «европаликлар учун нажот шамоли кутилмаган томондан — Шарқдан эсди. «Бактрия юлдуз соҳиб», яъни соҳибқирон деб ном олган, улкан салтанат барпо этган Амир Теуур уша пайтда Европанинг ҳалоскори бўлган эди. Шунинг учун ҳам Францияда XV асрда Амир Теуурнинг олтиндан ҳайкали ишланиб, остига «Европанинг ҳалоскори» деб ёзиб қўйилган эди».

Халқ амалий санъати музейи ҳақида ҳикоя қилар экан, журнал ўзбек халқи ҳаммаша ўзининг ноёб амалий санъат мактаби билан шуҳрат қозониб келгани таъкидланади. «Буни сополдан ишланган буюмлар, гилам тўши, андазачилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари ҳам тасдиқлайди».

Журналда Халқ амалий санъати музейи, Чирчиқ шаҳрида жойлашган Тошкент вилояти музейининг фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Нашрнинг ушбу сониди истеводли ўзбекистонлик мусаввир Сардор Алламберганоғва бағишланган мақола ҳам эълон қилинган.

«Жаҳон» АА. Лондон

## Ибрат | Тўтзорлар кенгайди

Бу «Жарқўрғонпилла» масъулияти чекланган жамияти қошидаги деҳқон хўжалиги ишчиси Нурмаат Турдикуловнинг гапи. Нурмаат ака хўжалигининг боғбони. Ҳар йили 500 минг туп тўт қўчати етиштиради.

Навлари сара, соғлом қўчатлар. Фермерлардан тортиб хонадонлар боғбонининг ҳамматидан қўчати тўлиб дарахт ўстирадилар.

Вилоятда қарийб 8 миллион акка тўт, 3434 гектар тўтзор бор. Тўт бардошли, хосиятли дарахт. Нобор ернинг шўрини қочиради. Қумоқ ерларнинг унмудорлигини оширади. Пилла қўчига озук. Яшил манзара.

— 2009 йил қиш-баҳор ойларида бир ярим миллион тўт қўчати ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди «Вилоят пилла» масъулияти чекланган жамияти раиси Мамашариф Тожиёв. — Тўтзорлар парвариши ва қарови эътиборимизда бўлади.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТАДБИРКОРНИНГ СОВФАСИ

Қизилтепа туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги йил арафасида замонавий спорт мажмуасига эга бўлдилар.

Бу ерда ёшлар йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзлари қизикқан спорт тури билан бемалол шуғулланишлари мумкин. Чунончи, баскетбол, волейбол, теннис, милдий, кураш, бадий, гимнастика, ва бокс машғулотларини ўтказиш учун барча қулайликлар мўжайё.

Ушбу иншоотни бунёд этиш ва спорт анжомлари билан таъминлашда тадбиркор Азамат Холиқовнинг шахсий жағмагарасидан 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Қурилиш ишларини «Теуур Малик» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Тошкент шаҳар

### «MELIOKONSALTING» МЧЖ

қўйидаги иншоот бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Акциядорлик тижорат «Ипотекабанк»и бўлимининг спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошидаги ошхонага қўшимча қурилиш».

Буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Ишларни тўғаллашининг умумий муддати — 2009 йил 31 январь. Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш «Ипотекабанк»и «Меҳнат» бўлими томонидан амалга оширилади. Танлов ташкилотчиси — «MELIOKONSALTING» МЧЖ.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва воқолатларга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «MELIOKONSALTING» МЧЖга қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (8-371) 241-14-89. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Амир Теуур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 3, Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси (кичик зал). Телефон: 244-35-59. Факс: 239-40-27.

### Газ уагуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қўйидагиларни тақлиф этади:

### ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м<sup>3</sup>, 250 м<sup>3</sup>, 400 м<sup>3</sup>, 650 м<sup>3</sup>, 1000 м<sup>3</sup>, 1600 м<sup>3</sup> гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

### «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчлагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м<sup>3</sup> дан 25 м<sup>3</sup> гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м<sup>3</sup> дан 40 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м<sup>3</sup> дан 6 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м<sup>3</sup> дан 10 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м<sup>3</sup> дан 16 м<sup>3</sup> гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

### Программа малых исследовательских грантов института ЦАРЭС Прием заявок на 2009 год

Институт Центрально-азиатского регионального экономического сотрудничества (ЦАРЭС) принимает заявки от исследователей и научных институтов стран-участниц ЦАРЭС.

Институт предлагает по одному гранту на страну в размере 25 000 долл. США на исследование в области регионального сотрудничества в приоритетных для программы ЦАРЭС областях: транспорт, энергетика и торговля.

Последний срок для принятия заявок — 31 января 2009 года.

Для дополнительной информации о программе малых исследовательских грантов, процедуре подачи заявок и программе ЦАРЭС просим обращаться на сайт по адресу [www.adb.org/caresc](http://www.adb.org/caresc)

\* Афганистан, Азербайджан, КНР, Казахстан, Кыргызская Республика, Монголия, Таджикистан и Узбекистан

### CAREC Institute Small Research Grants Program 2009 Call for Proposals

The CAREC Institute is seeking proposals for research from researchers and institutes in CAREC participating countries.

The Institute will provide one grant per country of up to \$25,000 for research related to regional cooperation in the CAREC Program priority areas of transport, energy, or trade.

The deadline for applications is 31 January 2009.

For further information about the small grants program, application procedures, and the CAREC Program, visit our web site at [www.adb.org/caresc](http://www.adb.org/caresc).

\* Afghanistan, Azerbaijan, the People's Republic of China, Kazakhstan, Kyrgyz Republic, Mongolia, Tajikistan, and Uzbekistan

### «ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚЎЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАРДА ПАРВОЗ ҚИЛИШНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ:

ВЛАДИВОСТОК 405 ЕВРОдан ( бир томонга )

ЮЖНО-САХАЛИНСК 480 ЕВРОдан ( бир томонга )

ХАБАРОВСК 425 ЕВРОдан ( бир томонга )

ДИҚҚАТ! Янги телефонлар: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

www.transaero.ru

### ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ. ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

## КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

## САНТЕХНИКА

(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

### ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хайфати ҳамда касба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Давлат мухофоти совриндори, фалсафа фанлари доктори, профессор Омогулла ФАЙЗУЛЛАЕВИН

вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ўзнефгазказибчиқарш» акциядорлик компанияси раҳбарияти компанията қарашли «Ўзнефгазказибчиқаршижиниринг» унитар шўъба корхонаси бошлиги Раҳимжон Астоновта онаси САНОВАР аянинг вафот этганиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Камалиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Реклама ва амалий графика кафедраси катта ўқитувчиси ШОКАРИМ ШОХАЛЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2008-2009 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

## Бакалавриат йўналишлари бўйича

**Файзуллаева Нодира Найимовна**  
(Маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 24 январда Бухоро вилоятида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Архитектура йўналиши 4-босқич талабаси. Архитектура соҳасига оид республикамизда ўтказилаётган талабаларнинг илмий анжуманларида фаол қатнашди. Жумладан, 2007 йилда Германиянинг Потсдам Махсус олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий анжуманда унинг маърузаси энг яхши маърузалардан бири, деб топилди. Шу йили «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» Республика ёшлар танловининг вилоят ва республика босқичларида «Архитектура ва дизайн» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Инглиз ва рус тилларини мукамал эгаллаган.




биринчи ўринни эгаллаган. Шу йили республика ёшлари ўртасида ўтказилган «Мустақиллик — энг олий неъмат» мавзусидаги иншоолар кўрик-танловига қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган. «Ердаги осмоним» деб номланган шеърини тўплами чоп этилган. Инглиз ва рус тилларини пухта эгаллаган.

**Сабирова Мавлада Гаипбаевна**  
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)

1985 йил 26 июнда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида туғилган. Нукус давлат педагогика институти Мактабгача таълим ва болалар спорт йўналиши 4-босқич талабаси. Ўқиб давомда юқори рейтинг натижаларига эришганлиги билан бир қаторда талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида қатнашиб келади. Маданий-маърифий, тарбия ва ахлоқ масалаларига бағишланган мақолалари илмий журналлар ва газеталарда чоп этилган. Институт хотин-қизлар кўмитаси қрошидаги «Лидер қизлар» клубига раҳбарлик қилади. «Зиёли ёшлар» клубининг фаол аъзоси. Немис ва рус тилларида эркин сўзлашади.



бо ва таэквон-до турлари билан профессорлик тарзда шуғулланади. 2006 йил июль ойида Болгариянинг София шаҳрида таэквон-до бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатига бронза медал билан тақдирланди. Инглиз ва рус тилларини яхши ўзлаштирган.




**Бекбаева Азиза Уразалиевна**  
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 18 январда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент кимё-технология институти Силикат ва қўйин эрвчи ноорганик моддалар кимёвий технологияси йўналиши 4-босқич талабаси. Аъло ўқиш билан бир қаторда республика ва институт миқёсида ўтказилаётган талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида мунтазам иштирок этади. Спортнинг стол тенниси, бадминтон турлари бўйича институтда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Инглиз, рус ҳамда корей тилларида эркин сўзлашади.



ри ва илмий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2005 йилда математика фани бўйича ўтказилган республика олимпиадасининг Тошкент шаҳри босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаган. «Cartan subalgebras of Leibniz n-algebras» мавзусидаги илмий мақоласи Германиянинг нуфузли илмий журналида чоп этилган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.



**Якубова Нэля Бектурдыевна**  
(Тиббиёт таълим йўналишлари бўйича)

1982 йил 10 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг педиатрия иши йўналиши 7-босқич талабаси. Республика фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманлар ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб, бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган. Жумладан, 2008 йилда институт миқёсида «Ёшлар йили»га бағишлаб ўтказилган 36-талабалар илмий-амалий анжуманидаги маърузаси билан фахрли 1-ўринга сазовор бўлди. Инглиз ва рус тилларини яхши ўзлаштирган.




қур ўзлаштириши билан бир қаторда республика ва университет миқёсида ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2007 йилда университет томонидан ташкил этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» илмий ишлар танловига қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган. Инглиз ва рус тилларини мукамал билади.




**Ибрагимов Бекзод Зокиржон ўғли**  
(Гуманитар таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти Сибёсатшунослик йўналиши 4-босқич талабаси. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга республика миқёсидаги талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида, маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. 2006-2008 йилларда институтда ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида инглиз ва француз тилларидаги маърузалари билан иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. «Ядровий хавфсизлик масалалари бўйича концептуал ёндашувларнинг қиссий таҳлили» мавзусидаги илмий иши лойиҳаси талабалар илмий лойиҳалари танловига биринчи ўринга муносиб топилган. Инглиз, рус ва француз тиллари пухта ўзлаштирган.



**Тиллаев Отабек Одилович**  
(Журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 31 августда Наманган вилоятида таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий университети Журналистика йўналиши 4-босқич талабаси. Ўқибдаги ютуқлари билан бир қаторда республика миқёсидаги фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда, матбуотда долзарб мавзулардаги мақолалар билан чиқишлар қилиб туради. 2005 йил республика фан олимпиадасида она тили ва адабиёт фани бўйича



**Мирзараимов Баходир Тохир ўғли**  
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат юридик институти 4-босқич талабаси. Ўқибдаги муваффақиятлари билан бир қаторда, республика ва институт миқёсидаги турли илмий конференция ва тренингларда фаол иштирок этиб келади. «Ёшлар ва экология», «Жамиятда ҳуқуқий оғв ва маданиятни оқсатириш» номли рисоалари чоп этилган. Спортнинг сам-

**Турдубоев Рустам Мирзалиевич**  
(Физика-математика ва кимё-биология таълим йўналишлари бўйича)


1989 йил 3 майда Хўжанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Математика йўналиши 4-босқич талабаси. Республика фан олимпиадалари

**Хакимов Азизбек Абдилалим ўғли**  
(Иқтисодёт таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 16 августда Наманган вилоятида туғилган. Тошкент давлат иқтисодёт университети Менежмент йўналиши 4-босқич талабаси. Фанларни чу-

## Магистратура мутахассисликлари бўйича

**Шаймарданов Хуршид Бахтиёрович**  
(Қишлоқ ва суг' хўжалиги таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 29 апрелда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти Енгилмайлаш материалларини сақлаш ва ташвиш, қўйиш воситаларини таямиллаш ва улардан фойдаланиш мутахассислиги 2-босқич магистранти. Республика ва институт миқёсидаги талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида мунтазам қатнашиб келади. 2008 йилда институтда ўтказилган ёш олимларнинг VII Республика илмий-амалий анжуманидаги маърузаси энг яхши маъруза, деб эътироф этилди. 2006 йилда Беруний номли Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларини мукамал билади.

**Мирхамидова Навруза Камаловна**  
(Иқтисодёт таълим мутахассисликлари бўйича)



1987 йил 28 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институтини Халқаро валюта-кредит муносабатлари мутахассислиги 2-босқич магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда республика ва институт миқёсида ўтказилаётган талабаларнинг илмий-амалий анжуманлари ҳамда маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2006 йилда иқтисодори талабаларнинг илмий-амалий анжуманида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган. 2006 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди. Инглиз, япон ва рус тилларини яхши ўзлаштирган.

**Абдуллаева Саида Сафибуллаевна**  
(Техника ва информатика таълим мутахассисликлари бўйича)



1986 йил 3 январда Наманган вилоятида туғилган. Наманган муҳандислик-педагогика институти Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) мутахассислиги 2-босқич магистранти. Республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ва фан олимпиадаларида мунтазам қатнашиб келади. Жумладан, 2007 йилда «Компьютер графика» фанидан ўтказилган республика фан олимпиадасида 3-ўринни эгаллаган. Шу йили «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» Ёшлар танловининг Республика босқичида «Ахборот ва коммуникация технологиялари» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлашади.

**Сигатулина Мария Ильясовна**  
(Тиббиёт таълим мутахассисликлари бўйича)



1983 йил 3 сентябрда Ашхабод шаҳрида туғилган. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти «Болалар неврологияси» мутахассислиги 3-босқич магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуман ва семинарларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2005 йилда Педиатрия фани бўйича ўтказилган Республика фан олимпиада-«Началокларда гипоксия-ишемик энцефалопатия» мавзуси бўйича бахарган лойиҳаси амалиётга жорий этилган. 2004 йилда Ибн Сино номидagi Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва ўзбек тилларида эркин сўзлашади.

**Акрамова Замира Истам қизи**  
(Маданият ва санъат таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва энгил санат институти «Тўқимачилик ва тикув маҳсулотларини, кийим ва пойкабзали бадий беш ва моделлаш» мутахассислиги 2-босқич магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда республика ва институт миқёсида ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. 2006 йилда «Меҳр нури» ва Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармалари томонидан Иқтисодори талабалар учун ташкил этилган стипендия билан тақдирланган. Беруний номидagi Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва рус тилларини мукамал билади.

**Редькин Павел Витальевич**  
(Физика-математика ва кимё-биология таълим мутахассисликлари бўйича)



1986 йил 17 августда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университети Лазер физикаси мутахассислиги 2-босқич магистранти. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2002 йилда физика фанидан ўтказилган фан олимпиадасининг Республика босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади. 2003 йил Самарқандда ўтказилган «Самарқанд — азим шаҳрим» деб номланган Интернет фестивалида «Ёшлар — терроризм ва гиёвандликка қарши» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. 2005 йилда Уллубек номидagi Давлат стипендияси совриндори бўлди. Инглиз ва ўзбек тилларини мукамал билади.

**Абдимўминов Ойбек Бектемирович**  
(Гуманитар таълим мутахассисликлари бўйича)



1984 йил 3 октябрда Самарқанд вилоятида туғилган. Навоий давлат педагогика институти Тарих мутахассислиги 2-босқич магистранти. Республика ва институт миқёсида ўтказилаётган талабаларнинг илмий-амалий анжуманлари ва фан олимпиадаларида мунтазам қатнашиб келади. Жумладан, 2005 йилда республика олий таълим муассасалари ўртасида Тарих фанидан ўтказилган олимпиадада қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллаган. Шу йили «Меҳр нури» ва Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармалари томонидан Иқтисодори талабалар учун ташкил этилган стипендия билан тақдирланди. 2006 йилда Навоий номидagi Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Куйи Зарафшон заминида яшаб ўтган буюк алломалар тарихига бағишланган «Бешигида авлиёлар ўсган Ватан» номли китоби чоп этилган. Немис ва рус тилларини мукамал билади.

**Нуржанова Жамила Таштемировна**  
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 24 июнда Самарқанд вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «Фуқаролик ҳуқуқи: фуқаролик процесси» мутахассислиги 2-босқич магистранти. Республика ва университет миқёсидаги илмий анжуманлар, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этган. 2006 йил хуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим муассасалари талабаларининг «Халқаро ҳуқуқ» фанидан ўтказилган Республика олимпиадасида иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллаган. Шу йили «Меҳр нури» ва Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармалари томонидан Иқтисодори талабалар учун ташкил этилган стипендия соҳиб бўлди. Инглиз, француз ва рус тилларини яхши ўзлаштирган.

**Турсунов Фаррух Гуломович**  
(Педагогика таълим мутахассисликлари бўйича)



1983 йил 30 майда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети «Хуқуқ асосларини ўқитиш» мутахассислиги 2-босқич магистранти. Илмий-амалий анжуманлар, танловларда фаол иштирок этади. Жумладан, 2007 йилда ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманида маърузаси билан иштирок этиб, Тарих фанлари йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаган. 2008 йилда «Талабалар баҳори — 2008» ёшлар фестивали доирасида ташкил этилган Иқтисодори талабаларнинг илмий ишлари танлови Республика босқичида «Педагогика, психология, таълим ва тарбия» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган. 2006 йилда Навоий номидagi Давлат стипендияси совриндори бўлган. Француз, форс-тожик ва рус тилларини чуқур эгаллаган.

**Мирзаева Гулшан Самадовна**  
(Чет тиллар таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йил 28 декабрда Қашқадарё вилоятида туғилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Лингвистика (Инглиз тили) мутахассислиги 2-босқич магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда институт миқёсида ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2008 йилда ўтказилган иқтисодори талабаларнинг илмий-амалий анжуманида маъруза билан иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаган. Япон тили бўйича 3-даражали сертификат соҳиб. 2007 йилда «Самарқанд шахрининг гиди» малака сертификатига эга бўлган. Инглиз, француз, япон ва рус тилларида эркин сўзлашади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Копибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳрират компьютер марказида термид хамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. яқини — 21.30

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Набатчи — Ю. Бурунов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббев.

Топширилди — 23.10